



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 131 (10.436)

2005 ЙИЛ 7 ИЮЛЬ

ХАВФСИЗЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов 4-5 июль кунлари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти тузилганига кўп бўлгани йўқ, Лекин 2001 йилдан буён ўтган кичик вақт давомида у ўзининг самарадорлигини тўла намойён этди ва жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига тушди. 2002 йили Санкт-Петербург шаҳрида ташкилотнинг асосий таъсис ҳужжати - Хартияси қабул қилинди. 2004 йилда Пекинда унинг Котибияти, Тошкентда эса Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) доимий фаолият кўрсата бошлади.

ШХТнинг асосий вазифалари хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдир. Шу йўналишлардаги ҳамкорлик изчил ривожлантирилмоқда. 2020 йилгача бўлган даврда кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни кўзда тутувчи дастур қабул қилинган, террорчиликка, экстремизм ва айирмачиликка қарши биргаликда кураш тўғрисида битим имзоланган.

Қузатувчилар ШХТ фаолиятида асосий эътибор амалий ҳамкорликка қаратилишини эътироф этадилар. ШХТнинг ишчи органлари ҳам, уларда ишловчи ходимлар ҳам кўп эмас. Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ташкилотнинг узлуксиз фаолиятда бўлишини таъминламоқда. ШХТ саммитлари ҳам йилга бир марта бўлиб ўтади.

ШХТнинг олий органи Давлат раҳбарлари кенгашидир. Ҳукумат раҳбарлари, Ташқи ишлар, Иқтисодиёт ва савдо вазирлигининг кенгашилари олий даражадаги учрашувга пухта ҳозирлик кўрилишини таъминлайди ва амалий тақлифларни ишлаб чиқади. Хавфсизлик кенгашилари котибияти ва миллий мувофиқлаштирувчилар ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган.

Бинобарин, бугунги кунда етук халқаро ташкилотга айлиб, фаолият доирасини кенгайтириб, ўзи қамраган улкан минтақадаги қўлб муаммоларни ечишга қодир бўлган ШХТ ҳақи равишда халқаро ҳамжамият эътиборини тортмоқда. 2004 йилнинг декабрида у БМТ Бош ассамблеясида қузатувчи мақомини олди. 2005 йилнинг апрелида ШХТ билан АСЕАН ҳамда МДХ ўртасида ўзаро ағлашув меморандумлари имзоланди. Булар ташкилотнинг халқаро майдондаги фаоллиги, жаҳонда у билан ҳамкорликка қизиқиш ортиб бораётганидан далолатдир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Остона саммитида ШХТнинг дадил оидимларига юқори баҳо берилди ва айни пайтда уни шиддат билан ўзгартириб бораётган сиёсий ва иқтисодий вазиятларга мослаштириш зарурилиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашувида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ва Қирғизистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Курманбек Бақиев иштирок этди. Саммит қатнашчилари янги таҳдидларга қарши биргаликда курашиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Исло Каримов Марказий Осиё минтақасида турли таҳдидлар ҳамон сақланиб турганига, улар янги шакл ва қиёфа касб этиб бораётганига тўхталиб, террорчилик, экстремизм ва айирмачилик, қурол-яроғ ва наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби иллатларга қарши курашишда,

хавф-хатарнинг олдини олишда ШХТ кучли мувофиқлаштирувчи маассаса бўлаётганини қайд этди.

Учрашувда ШХТ доирасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари ҳам атрафлича муҳокама қилинди. Айниқса, транспорт коммуникациялари, нефт-газ конларини ўзлаштириш, сув-энергетика захираларидан фойдаланиш соҳаларида ҳамкорликни фоллаштириш кўп томонлама манфаатли эканлиги таъкидланди.

Президентлар ижтимоий-маданий алоқалар мажмуини ҳам қўриб чиқдилар. Эътироф этилгандек, ШХТга аъзо мамлакатлар фан-техника, жумладан, юқори технологиялар, таълим, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун барча имкониятларга эга.

Музокара давомида ШХТнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий салоҳиятини тўла ишга солиш, мавжуд имкониятларни аниқ муваффақиятларга айлантириш чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди, миллий мувофиқлаштирувчиларга, ташкилот хузуридаги кенгашиларга тегишли топшириқлар беришга келишиб олинди.

Президентлар Ҳиндистон, Покистон ва Эроннинг ташкилотда қузатувчи мақомини олиш тўғрисидаги муножотларини қўриб чиқдилар. Умумий келишувга биноан, маъзур уч мамлакатнинг муножотларини қониқтиришга қарор қилинди.

Таъкидламоқ жоизки, Президентларнинг бу қарори ШХТ воситасида қурра замин аҳолисининг қарийб ярмини ўзаро яқинлаштириш, қўлб халқлар ва мамлакатлар ўртасида янги асосдаги ҳамкорликни қарор топтиришга хизмат қилади. Ҳиндистон, Покистон ва Эроннинг улкан иқтисодий салоҳияти, катта инсоний захиралари яхши маълум. ШХТнинг бу мамлакатлар билан бевосита алоқада бўлиши ташкилотнинг имконият доирасини янада кенгайтириши шубҳасиздир. Эслатиб ўтмиш, ташкилотнинг ўтган йилги Тошкент саммитида Мўғулистонга худди шундай қузатувчи мақоми берилган эди.

Мажлисида ШХТга раислик Хитой Халқ Республикасига ўтди. Демак, ташкилотнинг галдаги саммити Хитойда бўлади. Маълум қилингандек, Президентлар ШХТ фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадига Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашига Котибиятнинг ролини ошириш бўйича келгуси саммит учун тақлифлар ишлаб чиқиш вазифасини топширишга ҳамда унинг раҳбари лавозимини ШХТ Бош котиби деб ўзгартиришга келишдилар.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Президентлар ШХТни ривожлантириш масалаларига оид қарарларини, тақлиф ва мулоҳазаларини баён қилдилар. Ташкилотнинг ўтган йилги Тошкент саммитида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг бориши, Ўзбекистон пойтахтидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳамда Пекиндаги Котибиятнинг ўтган даврдаги фаолиятига доир ҳисоботлар қўриб чиқилди. ШХТ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Иқтисодиёт ва савдо вазирлари кенгашининг, шунингдек, хавфсизлик кенгашилари котибияри ва миллий мувофиқлаштирувчиларнинг саммит арафасида ўтган учрашувлари яқунлари бўйича тайёрланган ҳисобот ва тақлифлар муҳокама этилди.

ШХТнинг Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси ва Ишбилармонлик кенгашини ташкил этишни жадаллаштиришга доир

масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мажлисида Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбаёр, Эроннинг биринчи вице-президенти Муҳаммад Ризо Ориф, Покистон Бош вазир Шавкат Азиз, Ҳиндистон ташқи ишлар вазир Навтар Сингх раҳбарлигидаги ишбу мамлакатлар делегациялари қузатувчи сифатида иштирок этди.

Президент Исло Каримов саммит қатнашчилари эътиборини хавфсизлик масалаларига қаратди. Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, бугунги ўзгарувчан вазият, турли таҳдидларнинг ҳамон сақланиб тургани ШХТ аъзоларига, айниқса, Марказий Осиё давлатларида безовталик уйғотмаслиги мумкин эмас. Ҳозир Марказий Осиёда стратегик ноаниқлик ҳукм сурумоқда, бу айрим бузғунчи қулларга вазиятни издан чиқариш учун қўл келиши мумкин.

Иккинчидан, хуружларнинг шакл-шамоили, усул ва услублари, улар фойдаланидиган воситалар ўзгариб бормоқда. Хориждаги айрим марказлар Марказий Осиёда «бошқариладиган беқарорлик»ни юзага келтириш ниятида радикал қайфиятдаги оқим ва тўдаларни ишга соляпти. Гарчи, Афғонистон ёки Ироқдаги бундай гуруҳлар террорчи сифатида эътироф этилса-да, Марказий Осиёдагиларининг хатти-ҳаракатларини изоҳлаш масаласига тамомила бошқача ёндашилмоқда.

Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка катта таҳдид солаётган яна бир хавф нарқобизнеснинг ривожланиб бораётганидир. Афғонистонда этиштирилётган гиёҳванд моддалар микдори йилдан йилга ошиб бормоқда. Мамлакатда оғуфрушлик санатлаштирилган. Лекин халқаро майдонда бу муаммага эътибор кам.

Хавфсизлик масалаларини муҳокама этиш чоғида бу муаммоларни эътибордан четда қолдирмаслик, уларга яхлит бир муаммо сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Исло Каримов ШХТ аъзолари сафида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг икки доимий аъзоси борлиги, ташкилотнинг изчил ва жадал тараққиёти унинг улкан салоҳиятидан далолат эканлигини таъкидлади.

Ҳар бир мамлакат бирор ташкилотга қўшилар экан, аввало ўз манфаатини кўзлайди. ШХТга манфаатлари ўзаро уйғун мамлакатлар аъзо бўлиб кирган. Шу боис унинг салоҳияти катта.

Музокаралар якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг декларацияси қабул қилинди. Президентлар ШХТга аъзо мамлакатлар ўртасида террорчиликка, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлик концепциясини ҳамда ШХТга аъзо давлатларнинг МАТТ хузуридаги доимий вакиллари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларни ҳам имзолдилар.

Остона сафари давомида Президент Исло Каримов ХХР Раиси Ху Цзиньтао ҳамда Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбаёр билан учрашди. Мулоқотлар чоғида икки томонлама муносабатларга, ШХТ доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундай қилиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг яна бир саммити тарих саҳифаларидан жой олди. Нуфузи ортиб, фаолият доираси кенгайтириб бораётган бу ташкилот дунёнинг энг катта минтақаларидан бирида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг, иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим омилига айланиб бормоқда.

Анвар БУБОЕВ,
Ўза махсус муҳбири,
Тошкент-Остона-Тошкент.

XVI сағоси
аср
Барча манбалардан
олинган сўзга хабарлар

Мамлакатимизда

• Мамлакатимиз Президенти Исло Каримов давлат қабул пунктларига 2 миллион 500 минг тоннадан кўпроқ дон етказиб бериб, бу борадаги шартнома мажбуриятини бажарган юртимиз галлакорларига табрик йўллади.

• Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилояти галлакорлари ҳам бошқоқли дон сотиш давлат буюртмасини ошириб бажардилар. Жумладан, Жиззахлик деҳқонлар 219 минг тоннадан зиёд, Қорақалпоғистон галлакорлари эса 64 минг тоннадан ортик дон сотишга муваффақ бўлишди.

• Ўзбекистон Фанлар академияси сейсмология институтинида зилзилаларни мониторинг ва башорат қилишининг замонавий услубларига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

• Тошкент вилоятида жойлашган Тошкент денгизи соҳили бўйларидан ўрин олган «Меҳржон» оромгоҳида «Агроистеъдод» ёзги мактаб машғулотлари бўлиб ўтди.

• Қўрғонтепа туманида жойлашган «Само» акциядорлик бирлашмаси неғизда йирик йигирув-тўқув мажмуаси ташкил этилди. Янги қўшма корхона Швейцариянинг «Ритр» компанияси билан ҳамкорликда тузилиб ҳамкорлар янги ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 4,5 миллион евро микдорда инвестиция киритдилар.

• «Ўзтемирўлатмир» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Андижон механика заводи жамоаси биринчи ярим йил учун шартнома мажбуриятларини ортиги билан бажарди.

Жаҳонда

• Париждаги «Артипод» галереясида Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси кўмағида ўзбекистонлик rassомларнинг кўргазмаси очилди.

• Москвада А.Чехов номидаги 6-Халқаро театр фестивали доирасида Ўзбекистон Ўшлар театрининг «Содом ва Гоморра ХХI» спектаклининг намойиши катта муваффақият билан ўтди.

• Франциядаги Маньи-Пур автодромида «Формула-1» тоифасидаги автопойгалар бўйича жаҳон чемпионатининг навбатдаги босқичи ниҳоясига етди.

ПОЙТАХТНИНГ
Дар кунни
Янгилликлар, воқеалар

КЕЧА

● **ЭРТАГА** Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент фото уйда Словакиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида фотограф Владислав Стругарнинг «Орзу боги — Словакия» деб номланган фотосуратлари кўргазмаси очилади.

● **КЕЧА** Уста Ширин маҳалласида Тошкент Давлат юридик институти ҳамда «Камолот» ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «Сийёсий, ҳуқуқий саводхонликни ошириш» деб номланди.

● **КЕЧА** 268-мактаб қошидаги «Қалдирғоч» оромгоҳи тарбияланувчилари «Камолот» ЁИХ Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан Тошкент ҳайвонот боғига саёҳат қилишди.

● **ЎТГАН** куни «Шодлик» маҳалласида ёшлар иштирокида ўтказилган концерт томошалари Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти талабалари томонидан уюштирилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университети битирувчиларига дипломлар топшириш маросимида олий ўқув юртининг ўқитувчилари ҳамда битирувчиларнинг ота-оналари иштирок эттишди.

● **ЎТГАН** куни Учтепа туманидаги «Бекобод» маҳалласи ёшлари ўртасида «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши томонидан спортнинг шахмат, шашка, футбол, волейбол турлари бўйича турнир ташкил этилди.

● **ГЕННАДИЙ** Красницкий номи стадионда «Мавнавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими, «Камолот» ЁИХ «Махалла» жамғармасининг туман бўлими ва туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорликларида «Сихат-саломатлик — бебаҳо бойлик» шиори остида ўтказилган спартакиада бахслари Сихат-саломатлик йилга бағишланди.

● **КЕЧА** «Камолот» ЁИХ Яққабасой туман Кенгаши ташаббуси билан «Уриқзор» маҳалласида уюштирилган кўча спорт ўйинларида ёшлар футбол, шахмат, шашка аркон тортиш, тош кўтариш ва кураш бўйича узаро беллашдилар.

● **КЕЧА** 284-мактабда спортнинг аркон тортиш түп билан югуриш эстафетаси, «Ким эңчили, ким чаққон?», узунликка сакраш турлари бўйича «Камолот» ЁИХ Сергели туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган мусобақаларда Амир Темур, Собир Рахимов ва «Тинчлик» маҳаллалари ёшлари беллашди.

● **КЕЧА** «Шафтолизор» маҳалласида «Камолот» ЁИХ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан кўча оммавий спорт ўйинлари бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимилиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР
БИЗГА ЯНА БИР МАДАД

Корхонамизнинг ташкил этилганга эндигина бир йилдан ошган бўлсада, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз харидорини топаётгани бизни қувонтиради. Бу албатта мустақил юртимизда тadbиркорлик, кичик бизнес ривожига қаратилган жуда катта эътибор самарасидир.

Жамоамизнинг 20 нафар меҳнатсевар ахли бир мақсад йўлида, яъни сифатли маҳсулот тайёрлаб, ички бозорни рақобатбардош товарлар билан таъминлаш, шу асосда иқтисодийтимиз равнақига муносиб улуш қўшишга интилиммоқда. Ўтган йили фаолиятимизнинг ilk даврида 36 миллион сўмлик ёритиш ускуналари ишлаб чиқарган бўлсак, шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш асосида жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 40 фоизга оширишни режалаб турибмиз.

Албатта, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, сифатли товар ишлаб чиқариш харидорларга манзур этиш, маҳсулот

нинг бозорбоп турларини тайёрлашни ўзи бўлмайд. Бунинг учун изланиш, ҳаракат қилиш, тadbиркорлик билан иш юритиш лозим. Лекин сиз ҳаракат қилсангизу турли тўсиқ-ғовлар ишингизга халақит бераверса, текширишлар тинкангизни қуритса — бундан ёмон ийў. Натижада ишдан кўнглингиз совийди, ғоянгиз амалга ошмай сўниб қолади. Шу боис ҳам ҳукуматимиз ва Президентимизнинг биз тadbиркорларни қўллаб-қувватлаши, айниқса кичик корхоналар ривожланиши учун тегишли ҳуқуқий асос яратилаётганлиги, қўлай иқтисодий муҳит ҳозирланаётганлиги тadbиркорликнинг гуллаб-яшнашида муҳим омили эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Корхонамизда жорий йилда 18 турдаги маҳсулотлар қаторига янгиларини қўшишни, бозор ва харидор талаби асосида рақобатбардош товарлар тайёрлашни режалаштирганмиз. Албатта, қўшимча ишчи ўринлари яра-

тиш, цехимизни кенгайтириб, замонавий Россия ускуналари билан жиҳозлашни кўзда тутганмиз. Шу боис ҳам яқинда Президентимиз томонидан тadbиркорликни қўллаб-қувватлашга доир чиқарилган бир қатор Фармон ва Қарор барча тadbиркорлар қатори жамоамиз ахлини ҳам нафақат қувонтирди, балки янги режалар, яхши ғоялар сари руҳлантирди. Бу ҳужжатларни фақат ўқиб чиқиш эмас, балки мазмун-моҳиятини аниқ тушуниб, ҳар биримиз ўз фаолиятимизда қўллашимиз лозим. Негаки ушбу жуда аҳамиятли Фармонлар ва Қарор юртимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда туб бурилиш ясашига асло шубҳа йўқ. Биргина «Тadbиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарор ҳусусида тўхталадиган бўлсак, 2005

йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий туловлар бўйича ҳисоб-китобларнинг давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда эмас, балки чорақда тақдим этишга ўтказиш ҳамда ортиқча қоғоз-бозлик, корхона ҳисобчиларининг беҳуда вақт сарфлашларининг олдини олди. Бундай имкониятлардан фақат қувонмоқ, самарасини эса меҳнатда кўрсатмоқ керак.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, иқтисодийта берилган эркинлик, тadbиркорлик ривожига қаратилган муҳим эътибор — халқимиз фаровонлигини таъминлаш, шубҳасиз. Бу ишда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлиги эса кўнглимизни тоғдай кўтарди. Тadbиркорларга берилган имтиёз, яратилаётган шарт-шароитдан оқилона фойдаланганларнинг бундан буён ишлари «беш» бўлишига аминан.

НОДИР БОБОХЎЖАЕВ,
«NUR EL BISNES»
масъулияти чекланган жамияти раҳбари

“БРЮССЕЛЬ-ЭКСПО”
ҚАТНАШЧИЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

Бу йил Бельгия ўз мустақиллигининг 175 йиллигини кенг нишонлайди. Брюсселда юбилей тadbирлари доирасида «175 та бельгиялик компания — Бельгиянинг 175 йиллигига» деб номланган кўргазма ўтказилди. Бош ташкилотчи — Ишбилармонлар Федерацияси мамлакатдаги машинасозлик, тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат саноати, қурилиш моллари ва бошқа қатор ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг сара компанияларни «Брюссель-экспо» кўргазмалар мажмуасига таклиф этди.

Кўргазма мутасаддиларининг таъкидлашича, бундан кўзланган мақсад нафақат компаниялар эришган ютуқларни намойиш этиш, балки халқаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш учун кўргазма қатнашчиларини Бельгия бизнесининг ҳали очилмаган қирралари билан таништиришдан иборат ҳамдир.

Юмшоқ сочиқлар, ҳаммом буюмлари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сантентс» компанияси узок йиллардан буён Ўзбекистондаги пахтани қайта ишловчи ва тўқимачилик корхоналари билан фаол ҳамкорлик қилиб келади.

— Компаниямиз Ўзбекистондаги фаолияти давомида мамлакатингиз корхоналари билан ҳамкорлик борасида катта тажриба тўплади, — дейди «Сантентс»нинг маркетинг бўйича менежери Карел Верваеке. — Айни пайтда бельгияликлар ўзбек ҳамкасбларининг тўқимачилик саноати соҳасида билдираётган сармовий таклифларини диққат билан ўрганишмоқда.

Гилам тўқиш дастгоҳларини ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи фирмалардан бири — «Ван Де Виелен»нинг савдо масалалари бўйича мувофиқлаштирувчиси Данин Боргуа Ўзбекистонга сафари давомида мамлакатимиз иқтисодийтининг шиддат билан ривожланаётганига шахсан ғувоҳ бўлганлигини алоҳида қайд этди.

— Мана икки йилдирки, компаниямиз Ўзбекистонда муваффақият билан фаолият юритиб келмоқда, — дейди у. — Шу йилнинг сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтadиган тўқимачилик ва саноат ускуналари кўргазмасида биз ҳам иштирок этиш ниятидамиз.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА. Брюссель

2004 йилда Глобал экология жамғармаси (GEF)нинг ижтимоий кўмак йўналишидаги дастури доирасида бир қатор лойиҳаларнинг ҳаётга тadbик этилиши натижасида қурилган фойдангиз умумий ҳажми 3 миллиард сўмдан ошиб кетди.

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ДОИРАСИДА


Маълумотларга қараганда бугунги кунда мамлакатимизда GEF Агентлигининг «Сув захиралари ва атроф муҳитни бошқариш» дастури доирасида гидроиншоотлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Дастурда Андижон ҳамда Тошкентдаги тўғонларни замонавий назорат-ўлчов асбоб-ускуналари билан таъминлашни кўзда тутилган. Орол денгизи қирғоқларида кичик сув омборларини бунёд этишнинг иккинчи босқичини амалга оширишга оид ҳужжатлар ишлаб чиқилган. 10 минг гектарга яқин қуриган

ҳудудларда ўрмонзорлар барпо этиш режалаштирилган. 1998 йилдан буён экологик ҳалокат ҳудудидаги Қорақалпоғистон аҳолисига бозор муносабатларига ўтишда ижтимоий ёрдам қўришти лойиҳаси босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Лойиҳада янги, тўбора ривожланиб борадиган ишлаб чиқариш корхоналари, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ташкил этишда аҳолига молиявий ҳамда маслаҳат ёрдами кўрсатиш назарда тутилган. Бизнес - режаларни молиялаш учун танлаб олишда Орол бўйи ҳудудидаги ижтимоий-

иқтисодий истиқбол режаларга айниқса, чорвачилик, зироатчилик, хизмат кўрсатиш, миллий ва ноанъанавий унармандчилик соҳаларидаги лойиҳалар танлаб олинмоқда. «Сув захиралари ва атроф муҳитни бошқариш» лойиҳаси 1998 йилдан бошлаб ҳаётга тadbик этиляпти. Лойиҳа минтақавий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон республикалари томонидан таъсис этилган Оролни асраш халқаро фонди иштирокида Орол денгизи ҳавзасидаги экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий ша-

роитни яхшилашга йўналтирилган. Ўтган давр мобайнида мазкур лойиҳанинг бир қанча минтақавий компонентлари бажарилди. Жумладан, «Ройал Хасконинг» (Нидерландия) фирмаси маслаҳатчилари томонидан сув захиралари ва шўрроқ ерларни бошқариш компоненти доирасида Орол денгизи ҳавзасидаги чегарадош дарёлар макроиқа аниқлик киритилди, икки ва ундан ортиқ томонлама битимлар тузиш учун тавсияномалар ишлаб чиқилиб, маълумотлар базаси яратилди. Шунингдек, чегарадош сувлар мониторинги бўлими доирасида 25 та гидро пост қайта таъмирланиб, асбоб-ускуналар билан таъминланди (ҳар бир Марказий Осиё давлатидан 5 тадан). Бу эса ўз ўрнида гидрологик ахборотни тўлаш ва замонавий ахборот алмашишга кўмак беради.

«Туркистон-пресс»



Хар сафар сиз суратда қўриб турган ҳудуддан ўтаётиб, ана шундай гўзал, салобатли ва кўркем биноларга эга бўлган ушбу хушманзара масканнинг бундан 20 йиллар аввал ҳам кўримсиз жой бўлганига, халқ тили билан «Алvasti қўприк» дея номланганлигига ишонинг келмайди.

Ҳақимжон Солихов олган сурат

Матбуот

ПОЙТАХТНИНГ
ЭКОЛОГИК БОҒЛАРИ

Атроф-муҳит софлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Республикадаги пойтахтида тоза экологик муҳитни яратиш борасида ҳам қатор тadbирлар амалга оширилганлигининг боиси ҳам ана шунда.

«Тошкент экологияси: ташаббускор ёшлар» деган мавзуда ўтказилган Республика танловида қатор янги лойиҳалар қўриб чиқилди. Улардан бир нечтаси ижобий баҳоланиб, ғолиб деб топилди.

Тошкент архитектура-қурилиш институти архитектура факультетининг иқтидорли талабаси Шерзод Зиёев тақдим этган «Экологик ва

саломатлик боғи» лойиҳаси беллашувда биринчи ўрин билан тақдирланди. Пойтахтнинг Абдулла Қодирий кўчасида бунёд этиладиган сўлим гўшага мазкур лойиҳа асос қилиб олинади.

Шунингдек, бир гуруҳ ёш меъморлар яратган «Болалар экологик боғи» лойиҳаси ҳам энг яхши изланишлардан бири деб топилди.

Анвар ВАЛИЕВ

Тиббиёт

НУФУЗИ ЯНАДА ОШДИ

Мамлакатимизда тиббий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришнинг турли йўналишларида фаолият юритилмоқда. Стomatологик техник жиҳозлар ва препаратлар тайёрлаш билан эса «Стомасервис дилер» корхонаси яқиндан шуғулланиб келмоқда.

Стomatологик муолажалар олиб боришда қўл келадиган бу хил маҳсулотларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу эҳтиёжни қондириш йўлида ҳам тадбиркорлик билан иш юритилмоқда.

Корхона фаолияти кенгайтиши билан маҳсулотларни етказиб бериш йўналишига ҳам эътибор кучайди.

Айни вақтда стomatолог шифокорлар ва тиш техниклари малакасини ошириш йўлга қўйилди. Бундай таълимий жараён билан шуғулланиш учун алоҳида ўқув маркази очилди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, мазкур корхона маҳсулотлари халқаро даражада ҳам оммалашиб бормоқда. Яқинда Тошкентда ўтказилган «Стomatология» халқаро форуми доирасида ташкил этилган кўрғазмада намойиш қилинган маҳсулотлар унинг нуфузини янада оширди.

ҲАМ БИЛИМ, ҲАМ МАЛАКА

Республикамиз шифохоналарида фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларини янги билимлар билан қуроллантириш, уларда амалий тажриба кўникмаларини ошириш йўлида кўрилатган тадбирлар ўз ижобий натижасини бермоқда. Бунда Тошкент шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институтининг тутган ўрни катта, албатта.

Бу ерда йилига 7-8 минг нафар шифокор ўз малакасини ошириб, замонавий билимларга эга бўлмоқда. Институтнинг барча 45 та кафедраси бу жараёнларда камарбаста бўлиб, кенг кўламда фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тавсияси билан институтда кўшни республикалардан келган шифокорларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилди. Шартнома асосида ўз билим ва малакаларини ошираётган бу тингловчилар ҳам профессор-ўқитувчилар педагогик маҳоратидан баҳраманд бўлишмоқда.

Акбар АЛИЕВ

— Анвар Исмаатович, ҳозирги пайтда ҳаётимизни электр энергиясиз умулан тасаввур қилиб бўлмайди. У ҳамма учун сувдек, ҳаводек зарур. Бирон-бир жойдан ярим кечада республикамиз пойтахтига қайтаётган бўлсангиз, самолёт қанотлари остида ғуж-ғуж юлдузлардек чарақлаётган тўп-тўп, чексиз, саноксиз «юлдузлар денгизи»га дуч келасиз.

— Ҳа, пойтахтимиз худуди йиллар ўтган сайин тобора кенг қамровга эга бўлиб бораётганлиги боис сиз айтган «юлдузлар денгизи» ўз-ўзидан кенгайиб бораётди. Бу табиий ҳол, албатта. Шаҳримизни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаб туриш учун корхонамизда 170 дан ортиқ ўз касбининг моҳир усталари бўлмиш юқори малакали ходимлар меҳнат қилишади.

— Газетамиз ўқувчиларидан кўпчилигини қизиқтираётган бир саволга аҳамият қаратсак. Улар «Электр қувватининг баҳоси нега тобора ортиб бораётган?» деб сўрашмоқда.

— Халқимизда «Хисобини билмаган ҳамёнидан айрил» деган ибора бор. Ҳамма нарса тош-тарозуга бориб тақалади. Биз бозор иқтисодиёти жараёнига кириб келганимизни унутмайлик. Гап шундаки, бизда электр энергияси асосан мазут, кумир ва газдан фойдаланиш ҳисобига яратилади. Уларнинг ишлаб чиқариш нархи эса тобора ортиб бораётди. Республика Молия вазирлиги мана шу омилларни ҳисобга олган ҳолда мақбул нархни белгилаб беради. Нархлар ҳукумат томонидан тасдиқланади.

— Электр энергиясини сотиш хизматида кейинги пайтларда қандай кўзга кўринарли ўзгаришлар юз берди?

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги қарорига асосан

Жорий йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши албатта аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш борасида тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Айни шу мақсадда аҳолига кўрсатаётган бирламчи тиббий санитария ёрдамини такомиллаштириш учун барча оилавий поликлиникалар, шифохоналар замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда, тиббий ёрдам сифати янада яхшиланиб, мутахассислар малакаси оширилмоқда.

2005 — Сихат-саломатлик йили

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Учтепа туманидаги 6-оилавий поликлиникада ҳам соғлиқни сақлаш тизимида хизмат кўрсатиши янада яхшилаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

— 2005 йилнинг Сихат-саломатлик йили деб номланиши, халқимиз учун ҳам биз тиббиёт ходимлари учун ҳам айни муддао бўлди, — дейди 6-оилавий поликлиника бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Феруза Юлдашева. — Биз аҳоли билан ҳамкорликда иш юритсак, соғлиқни сақлаш тизимида кўзда тутилган ислохотлар ўз самарасини беради ва тиббиётимиз ривожига янги имкониятлар эшиги очилади. Биз «Сихат саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришни аввало ўз устимизда ишлашдан бошладик.

2005 ва 2008 йиллар мобайнида истеъмолчиларни масофадан туриб бошқариладиган замонавий электр ҳисоблагичлар билан таъминлаш дастури иритилиши муносабати билан корхонамизда ушбу йўналиш бўйича биринчи қадамлар қўйилди. Яъни Тошкент шаҳрининг Миробод ҳамда Ҳамза туманларида масофадан компьютер билан бошқариладиган электрон электр ҳисоблагичларининг 473

улар маълумотларни ўзи қувват олаётган электр симлари орқали юборади.

Бундан ташқари Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган аниқлик синфи юқори бўлган электрон электр ҳисоблагичларнинг 9 мингдан ортиғи шаҳримиз хонадонларига ўрнатилди.

— Аҳоли томонидан электр қуввати ҳақининг тўлаб борилиши жараёнлари хусусида икки оғиз тўхталиб ўтсангиз.

Қарор ва ижро

ЧАРОҒОНЛИК — ФАРОВОНЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асосис равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан жумладан, коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмининг такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш, тарифларнинг асосис равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек, коммунал тармоқлардан фойдаланиш, уларни техник жиҳатдан замонавийлаштириш ва қайта жиҳозлаш, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида диққат-эътибор қаратилган эди.

Мазкур Қарор ижросини таъминлаш чора-тадбирлари борасида «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очилган турдаги акциядорлик жамияти Ахборот таҳлил бўлимининг бошлиғи Анвар БЕКНАЗАРОВ билан суҳбатлашдик.

таси ўрнатилди.

Эътиборли томони шундаки, уларга қўшимча монтаж ишлари керак эмас. Сабаби, ҳисоблагичлар тармоққа тўғридан-тўғри уланади. Ишлаш жараёни кўп функцияли бўлиб, барчасини компьютер орқали бошқариш мумкин. Буларга, мижознинг қарзи мавжуд бўлган ҳолда огоҳлантиришдан кейин тармоқдан узиб қўйиш, ҳисоблагич кўрсаткичини ва қувватини куннинг исталган вақтида маълумот сифатида олиш ва компьютер мутирасида сақлаб қўйиш хизмати ва ҳоказолар қиради. Яна бир қўлайлик томони шундаки,

— Президентимизнинг юқоридаги Қароридан шундай жумла бор: «Газ ва сув тармоқларига ўзбошимчилик билан билан улашиб олган, электр энергияси, табиий газ, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбобларига қасдан шикаст етказган, шунингдек, ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашига йўл қўйган қоида бузувчилар қонунчиликка мувофиқ то жиноий жавобгарликка тортиладилар». Бу жуда тўғри кўрсатма. Мазкур масалада қатъий чора-тадбирлар қўллаш мавриди аллақачон

етиб келган эди. Шу боисдан истеъмолчилар ҳам қарор ижросини таъминлашда фаол бўлишлари шарт. Хонадонимиз ҳаммаш чароғон бўлиб деганлар, бунга албатта амал қилишади.

— Инсоннинг кундалик турмушини электр қувватисиз тасаввур этиб бўлмаслиги ҳақида айтиб ўтдингиз. Лекин ўша, биринчи даражали ҳаётий зарур нарсани ўғирлаш мақсадида электр ҳисоблагичлардан ташқари улаб олиш ҳоллари ҳам учраб турадими?

— Кўплаб учрайди. Биз бундай ашаддий қондабузарларни ўз вақтида жазолаймиз. Уларни электр қувватидан маҳрум қиламиз.

— Мазкур ўзбошимчиликка қарши курашда, бизнингча, жамоатчиликнинг, биринчи галда маҳалла фаолларининг ҳам озми-кўлими роли бўлмоғи керак, шундай эмасми?

— Албатта, ахир кўча-кўйдаги, яқин атрофда жойлашган хонадонлардаги ишларни маҳалла фаолларидан, шу ерда истиқомат қилувчилардан яхшироқ ким ҳам билиши мумкин? Лекин афсуски, баъзи маҳалла фуқаролари йиғинларининг раислари бу хусусда гап кетар экан «бу бизнинг фаолиятимиз доирасига кирмайди» қабилида иш тутаётдилар.

Таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг юқоридаги Қарори биз учун ҳам, истеъмолчиларимиз учун ҳам муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Уни изчил бажара бориш вазифаси ҳар биримизнинг масъулиятимизни оширади, ўз фуқаролик бурчимизни бир дақиқа бўлсада унутмаслигини таъкид қилади. Энг муҳими эса шуни ҳаммаш ёдда тутишимиз лозимки, уларимиз ва кўчаларимиз чароғонлиги ҳам фаровонлигимиздан, юртимиз ободлигидан дарак беради.

Шарофат БАХРОМОВА суҳбатлашди

ОЛИЙ ДАРГОҲЛАРГА ЙЎЛЛАНМА

Тошкент Молия институти қошидаги академик лицей битирувчиларига дипломлар топширилди.

Мазкур илм даргоҳи 2002 йилдан буён академик лицей мақомида фаолият кўрсатмоқда. Лицейда математика, она тили ва адабиёти, инглиз тили ҳамда информатика фанлари чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитилади. Асосий вазифаси иқтисодиёт йўналишидаги университет ва институтларга кирувчи бўлажак талабаларнинг салоҳиятини кўтаришдан иборат. Ушбу таълим масканини бугунгача 723 ўқувчи тамомлади. Бу йил лицейни 140 нафар ўқувчи битириб чиқмоқда.

Диплом топшириш маросимида лицей раҳбарияти, Юнусобод туман ҳокимлиги, Халқ таълими бўлими вакиллари сўзга чиқиб, битирувчиларга келажакда олий ўқув юртиларида таълим олиб етук мутахассис бўлиб етишишларига тилак билдиришди.

«Туркистон-пресс»

Саҳна

«АЯЖОНЛАРИМ» ЯНА САҲНАДА

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг пьесалари кўпгина театр саҳналарига олиб чиқилган. Тошкентдаги Сатира театри репертуаридан ҳам сеvimли адибнинг бир неча комедиялари ўрин олган.

«Аяжонларим» деб номланган пьесани А.Қаҳҳор қаламига мансуб энг яхши комедиялардан бири сифатида томошабинлар яхши билишади. Унинг Ўзбек Миллий театридаги сахнавий талқини ҳам эсда қоларли постановка бўлган эди. Бунга кўп йиллар бўлди. «Аяжонларим» билан томошабинларни

яна ошно қилиш мақсадида Сатира театри хайрли ишга қўл урди. Шу кунларда бу аjoyиб комедияни постановка қилиш ишлари давом этмоқда. Спектаклдаги бош Шакархон образини эса Республикада хизмат кўрсатган артист Зарифа Исмоилова яратмоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Ёшлар — эртанинг давомчилари, юрт келажиги. Уларнинг жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб вояга етишлари учун Юртбошимиз Ислам Каримов ва давлатимиз томонидан катта савъ-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ўқув масканлари, барча қўлайликлар яратилган спорт иншоотлари хайрли мақсадлар йўлида хизмат қилмоқда. Бу йил умумтаълим мактабларининг IX-синфини 592,9 минг, XI-синфини 292,8 минг нафардан зиёд ўқувчилар битиришди. Уларнинг ҳар бирларининг қалбларини катта ҳаяжон қамраб олган. “Ким бўлсам экан?” деган саволга аллақачон жавоб топганлар ҳужжатларини олий ўқув юртилари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларга топшириш билан бандлар. Биз битирув имтиҳонларини давошлаб ёшлар билан бевосита мулоқотда бўлар эканмиз, кўпчилик қизларимизнинг “1-педагогика коллежига ўқишга кирмоқчиман” деган сўзларига гувоҳ бўлдик. Ушбу коллеж ҳақида ота-оналардан ҳам илиқ фикрларни эшитган ушбу ўқув маскани ҳаёти билан яқиндан танишиш нияти тугилди.




Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда

ЭРТАМИЗГА МУНОСИЯТ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙМИЗ

Биз коллежга кириб борар эканмиз, диққатимизни бир нарса ўзига тортиди: оқ кофта, қора юбка — бир хил формада «жиб келаятган қизларнинг ҳар бири (эътибор беринг ҳар бири) кўйларини кўксига қўйиб “Ассалому алайкум!” деб салом бериб ўтишди. Ўз номига муносивликнинг биринчи кўринишидек кўнгилнингизни кўтариб, илиқ кайфият уйғотди. Эшик ёнида навбатчиликда турган қизлар жуда ҳашумомалилик билан директор хонасига бошлаб боришди. Ораستا, озода, ягона формада юрган қизларнинг биронтасида ортиқча пардозандоқ, бечаканликни кўрмаганимиз, аксинча, уларнинг бир-бирлари билан одоб билан (кун мобайнида талаба қизларни кузатиш шундай ҳулосага келдик) секин овозда сўбатлашаётгани бизни янада ҳурфанд қилди.

Шунинг учун ҳам нафақат шаҳримизда, балки бутун Республикада обрў-эътиборга эга бўлган 1-педаго-

лохиятли зиё масканларидан бири десак хато қилмаган бўламиз. Ўқув даргоҳимиз тарихига назар ташласак у узоқ йилларга бориб тақалади. У 1922 йилда Ўқчи кўчасидаги 123-уйда ташкил қилинган “Жисмоний тарбия” фани уюшмасининг ҳафталиги йил давомида ўқув юрти бичирилган бўлиб, ўтган йиллар давомида республикамиз ва қўшни мамлакатларнинг умумтаълим мактаблари учун 16.000 га яқин бошланғич синф ва меҳнат фани ўқитувчиларини етказиб берган. 2001-2002 ўқув йилида бошлаб эса касб-ҳунар коллежи мактабига олиб ва “Бошланғич синфларда таълим-тарбия ишлари ташкилотчиси”, “Тўғрақ раҳбари”, “Жисмоний тарбия раҳбари” мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрламоқда. Бугунги кунда ушбу мутахассисликлар бўйича тахсил олаётган ўқувчилар сони 1852 нафарни ташкил этади. Ўқувчиларга ўз касбининг захматкаши, узоқ йиллардан бери таълим-тарбия соҳасида ишлаб келаятган 130дан ортиқ тажрибали ўстоз-мураббийлар, давлат таълими стандартларига мос, янги ўқув режалари ва дастурлари асосида билим бериб келмоқдалар. Коллеж имомиди ўқув жараёни юқори даражада ташкил этилган. Замонавий, энг сўнгги русумдаги компьютеризация билан жиҳозланган синф хоналари, замонавий тизув машиналари, химия-физика лабораторияси, наҳаларида барча шароитлар яратилган. Дарслар видеоолиқлар, мультимедиялар орқали олиб борилади. 35 дан ортиқ турли хил фан, бадий ижодий, спорт тўғрисидаги ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилмоқда.



Ўқувчилар уч йил давомида ягона формада — ёғни ва кишилик жараёнида ота-оналар ва ёшларнинг бевосита ўзлари билан коллеж тарбия-интизом ҳақида тушунириш, маълумот берилгани боис бу тўғрисида ҳеч қандай муаммо, тартиб бузиш ҳоллари кузатилмади. (Фикримизча бошқа ўқув масканларида ҳам ихтисосликдан келиб чиққан ҳолда ягона форма жорий қилинса фойдаланган ҳол бўлмайдими). Қизларимиз уч йил мобайнида урф-одат, миллий маданиятимизга хос бўлган бағри-наҳия, одобиёт ҳақида мезонлардан ҳам билим, таълим-тарбия олинган. Сабр-тоқат, иродаларини силановдан ўтказадилар, бир сўз билан айтиладиган бўлса биз қизларимизни ҳаётнинг пасту баландига тайёр қилиб тарбиялаймиз.

— Коллежда спорт билан шуғулланиш учун ҳам имкониятлар берилади. — Коллеж имомиди барча шаро-

ТИНЧЛИК — ОЛИЙ БАХТ

Хар гал садоқат, вафо, меҳр-муҳаббат тўғрисида гап кетганда, аввало, кўз олдинда киндик кинигига томган остона, аллага чўмилиб сизни бағрига олган бахт, волидангиз юзидидаги сизга, фақат сизгагина аталган сеҳрли нур, илк муҳаббат юрагингизга ёққан гавҳари-шамчироқ гавдаланади ва булар калбингизга бахт бўлиб қиради. Демак, бахт тушунчаси боқира ҳисларнинг инсон кўнглига акс-садо бериши экан-да.

Хўш, шу мусофолликни, гўзалликни сизнинг юрагингизга чағ солиб қорна панжа тортиб олса қандай оларминдигиз? Дарҳақиқат, инсон учун энг олий бахт унинг тинч турмуши. Тинч турмуш эса яратувчанлик, бунёдкорликка етаклайди. Худди муҳаббат одамдан инсон яратгандек. Мен қалбида ишқ бўлмаган қизларни даҳшатли махлуққа ўхшатгим келади. Чунки уларга ўз нафидан бошқа ҳеч нарса керак эмас, бу йўлда бошқалар бахтини қурбон қилишдан ҳам тойишмайди. Яқинда Андижонда юз берган воқеалар ўша нафс бандларининг қабиҳ қилмишлари оқибатида эмас деб ким қафолат бера олади?

Улар нафақат ўзгалар, балки ўзларининг ҳаётларини захарлаганини нега тушуниб етишмайди? Президентимиз таъкидлаганларидек, ўша зарарли оқимга қўшилганлар ўзбек фарзанди, улардан жабрланаётганлар ҳам ўзбеклар, ўзбек йигити, аёли, қизи-ку. Наҳот ўз халқининг тинчлигини бузиш сен учун ҳузур бағишласа, биролар, дея ёқасидан олгинг келади. Ўша малаҳларнинг қабиҳликларидан зарарланган қалблар, билорлар кимнинг ҳисобидан таъмирланади, тикланади? Албатта, шу бузғунчиларнинг қўни-қўшниси, ёр-биродари, ота-онаси ва ниҳоят, янги режалаштирилган, она юрда тикланиши, қад кўтариши мумкин бўлган боғча, мактаб, коллеж, лицей, институт ва шифо маскани ҳисобидан-да!

Аммо бир нарсанга тушуниб бўлмайди. Бу ваҳшийликларнинг сабаби нима? Нега инсон бировнинг тинчини бузишдан роҳатланади. Ахир юртимиз имкониятлар мамлақати-ку! Ҳар ким ўзи хоҳлаганича яшاشи, тирикчиликнинг истаган тарзини танлаши, ўз меҳнати самарасини ўз оиласи билан баҳам кўриши мумкин-ку. Тўғри айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Аста-секинлик билан булар ҳам ўз ечимини топар, лекин вақтинчалик турмуш машаққатини енга олмасак, биз киммиз ўзи? Сабр-тоқат, матонатда барчага ўрناк бўлган халқнинг фарзандлари, элимизнинг ишонган зурриётларимизку? Мана шунинг ҳеч қачон унутмайлик.

Ҳа, умр инсонга фақат бир марта берилади. Унда бахт-саодатни туйиб янаша нима етсин. Аммо ўзгалар тинчлигини, саодатини ўйирлаш эвазига топилган бахт — бахтсизликдир. Фақат бир нарсани унутмаслик керак. Ҳеч ким, ҳеч қайси миллат, элат бизга ўз давлатимиз берган саодатни беролмайди. Юрт тинчлигини бузиш эвазига бериладиган миллионлар бўйнимизга тақилган сиртмоқнинг айнан ўзи эканлигини барча бирдек тушуниб етсагина эл бахти бутун, давлати фузун бўлиб бораверади.

Элдор АКРОМОВ,
Тошкент Ахборот технологиялари университети талабаси

КАМОЛОТ

Оромгоҳларда

“БОЙЧЕЧАК”ДА ДАМ ОЛИНГ

Ёз мавсумида мактаб ўқувчилари ҳамда вояга етмаган ўсмирларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида “Камолот” ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан “Ёзни “Камолот” билан!” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳанинг ёшларидан бири мактаб қошидаги оромгоҳлар фаолиятини ташкил этишдир. Шайхонтоҳур туманида жойлашган 299-мактаб қошидаги “Бойчечак” оромгоҳида “Камалак-Экспресс” тадбири бўлиб ўтди. Унда оромгоҳнинг 100 нафар дам олувчисидан 60 нафари иштирок этди. Ушбу тадбирда “Камалак” болалар ташкилотидидаги 7 та йўналиш бўйича шартлар ишлаб чиқилди ва шу йўналишлар бўйича гуруҳлар учун харита тайёрланди. Харита ёрдамида ўқувчилар шартларни бажариб, баринчиликни қўлга киритиш учун ҳаракат қилдилар.



Азиза МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: “Бойчечак” оромгоҳида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Гуруҳлар: Олтин мерос, Умид, Меҳр-шафқат, соғлом авлод, маънавий ва маърифий, экосан, ватанпарвар йўналишларида шартларни бажардилар. Ҳали бўлган гуруҳларга “Камолот” ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан совғалар тақдим этилди.

Мусобақалар БАРЧАГА МАЪҚУЛ БЎЛДИ

Мусобақаларини ўтказишдан асосий мақсад ёшларнинг бўш вақтларини маълумоти ташкил қилиш, уларга маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялашдир. Тадбирда шунингдек, марказ ёшларига “Камалак” болалар ташкилотининг фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди. Болалар билан: “Танишув”, “Дельфин”, “Кайфият”, “Истеълод” каби қизқарилган уйинлар ҳам ўтказилди. Болалар ўртасида бўлиб ўтган волейбол, баскетбол,

арқон тортиш, тортиш, “Кувноқ стартлар” каби спорт мусобақалари барчага маъқул бўлди. Тадбир давомида туман сардорлар Кенгаши аъзолари болалар билан нафақат спорт уйинлари ўйнадилар, балки улар билан яқиндан танишдилар, уларнинг муаммолари ва келажақдаги орзулари ҳақида ўзаро фикрлашиб, дўстлашдилар. Фаол қатнашчиларга эсдалик совғалари тақдим этилди. Руслан ҲАКИМОВ,
“Камолот” ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши Матбуот бўлими сардори

Мулоҳаза

РЕПЕТИТОРСИЗ ЎҚИШГА КИРСА БЎЛАДИМИ?

Мана ўқув йили ҳам ўз ниҳоясига етди. Тез кунларда йигит-қизлар ҳужжатларини турли олий ўқув юртиларига топширадилар. Ҳар бир абитуриент ўқишга киришга ҳар хил тайёрланади. Баъзилар тиришиб ўқиса, баъзилар... Кўпинча қулоғимизга репетиторсиз ўқишга кириб бўлмайди деган гаплар чалиниб қолади. Ҳозирги кунда ота-оналар фарзандларини ўқишга кириши учун албатта репетитор ёллайдилар. Шу ўринда бир савол туғилади: “Репетиторсиз ўқишга кирса бўладими?”

Менинг фикримча, агар ўқишга интилиш боланинг ўзида бўлмаса, унга мана-ман деган репетиторлар ҳам ёрдам бера олмайди. Яна савол туғилади: “Репетитор ким ёки у нимани ўргатади?” Репетитор ўқувчининг мактабда олган билимларини такрорлаб, умумлаштириб ўтиб беради. Шу ўринда айтиб кетмоқчи бўлган ҳар бир йигит-қиз охириги эдимки, ҳозирда мактабларимизда жуда тажрибали, кучли билимга эга ўқитувчилар бор. Аммо ота-оналарнинг жуда кўпчилиги фарзандларини уларга ишониймаётгандек репетиторга беришга ошқмоқдалар. Албатта мен бунга қарши эмасман, болаларимизнинг билимини чуқурлаштиришга бу ҳам муҳимдир. Лекин бу “мода”га айланиб, мактаб, ўқитувчилар маъқени тушириб юбормаслиги керак.

Мана ўзим ўқитувчи бўлганим учун ҳеч иккиланмай айтишим мумкин, репетиторсиз ўқишга бемалол кирса бўлади. Бунинг учун эса мактабни ёки бўлмаса касб-ҳунар коллежини тугатаётган ҳар бир йигит-қиз охириги эдимки, ҳозирда мактабларимизда жуда тажрибали, кучли билимга эга ўқитувчилар бор. Аммо ота-оналарнинг жуда кўпчилиги фарзандларини уларга ишониймаётгандек репетиторга беришга ошқмоқдалар. Албатта мен бунга қарши эмасман, болаларимизнинг билимини чуқурлаштиришга бу ҳам муҳимдир. Лекин бу “мода”га айланиб, мактаб, ўқитувчилар маъқени тушириб юбормаслиги керак.

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

Айни вақтда ўқувчи-ёшлар ёзи таътил вақтида оромгоҳларда, сўлим ва баҳаво тоғ бағрида мазза қилиб дам олмақдалар. Маҳалларда истиқомат қилувчи айрим ёшлар эса бирон юмуш билан банд бўлиб, ота-оналарига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ана шуларни ҳисобга олган “Камолот” ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ўтказилиб келинаётган “Ёзни “Камолот” билан!” лойиҳаси доирасида оммавий кўчма спорт уйинлари ҳам ташкил этилмоқда. Сергели туманидаги “Ўзгариш”, Абдураҳмон Жомий, “Қўшқўрғон” маҳалларидида истиқомат қилаётган вояга етмаганлар ва ёшларнинг ёзи таътил даврида бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг спортга бўлган қизиқишларини қучайтириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида қатор спорт мусобақалари ўтказилди. Жумладан болаларни қизиқтирувчи қизқарилган уйинлар “Зум”, “Кайфият”, “Яшил чироқ” мусобақалари иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди. Болалар гуруҳларга бўлиниб арқон тортиш, копток билан югуриш, сакраш, ким эпчилу ким чаққон, моҳир ҳужумчи каби мусобақаларда ҳам иштирок этидилар ва бу уларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир якунида ғолиб жамоа аъзоларига Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Кунинг кеча “Камолот” ЁИХ Ҳамза туман бўлими Кенгаши томонидан “Ёзни “Камолот” билан!” лойиҳаси доирасида 151, 152-мактабларда ташкил этилган оромгоҳда дам олаётган ўқувчи-ёшларнинг табиатга, ҳайвонот дунёсига бўлган қизиқишларини ошириш ҳамда бўш вақтларини унумли ўтказишни ташкил этиш мақсадида ҳайвонот боғига саёҳат уюштирилди.

Мағбурият УНИТИЛМАС ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Болажонлар ўзлари ёқтирган, қўришга ошқоқан фил, йўлбарс, арслон, кийик, ранг-баранг турдаги бадиқлару илонларни катта қизиқиш билан томоша қилдилар ва бундан катта таассурот олдилар. Бундай тадбирлар бутун ёз давомида барча оромгоҳларда дам олаётган ўқувчи ёшлар учун уюштирилади. Бундан мақсад болажонларнинг ёзи таътил вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишларида ҳисса қўшишдир. *** “Камолот” ЁИХ Ҳамза туман бўлими юқориди айтиб ўтилган лойиҳа доирасида ўсмир-ёшларни она-Ватанга садоқатли, ватанпарвар, меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни Ўзбекистон Куролини Кучлари сафига тайёрлаш, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида “Ҳарбий спорт оромгоҳи”ни ташкил этди. Ушбу оромгоҳда туманда истиқомат қилувчи ўсмир-ёшлар бир ҳафта мобайнида бўлиб, тартиб-интизом, сафдо юриш, жисмоний тайёргарлик бўйича сабоқ оладилар, шунингдек турли спорт мусобақаларида иштирок этидилар. Гўзал КОМИЛОВА

гика коллежга узоқ йиллардан бери раҳбарлик қилиб келаятган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, педагогика фанлари номзоли Минаввар Исмоиловага берган биринчи саволини шундай бўлди. — Минаввар опа, XXI-аср ёшлари илгари чанқок, интилувчан, ташаббускор, шу билан бирга ўта талабчан. Лекин айни вақтда сир эмаски бугунги кун ёшлари ҳақида қанчали эътирозлар ҳам эшитилиб келмоқда. Яъни, ўта замонавий кийим-кечақлар, вақти келса ота-она ёки ўқитувчиларнинг насихатларига, эътирозларига эътибор бермай ўз билганидан колмаслик каби. — Нима демокчи бўлаётганлигинингизни тушуниш, — дея сўз бошлади таълим коллеж раҳбари. — Аввало айтиб ўтиш лозимки, мустақил давлатимизда таълим соҳасида олиб бориладиган исчилохлар. Таълим тўғрисидаги Ўш Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг юқори натижасида янги, замонавий, жаҳон андозаларига мос тарзда шаклланиб бораётган касб-ҳунар коллежлари бугунги кунга кинифасини белгиловчи, янги асосларни яратувчи ўзига хос таълим масканларига айланмоқда. Бизнинг 1-педагогика коллежини ҳам ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидики ёшлар оралиқини рўйбга чиқарадиган ана шундай са-

терлар, техника воситалари ва ўқув курслари билан жиҳозланган синф хоналари, замонавий тизув машиналари, химия-физика лабораторияси, наҳаларида барча шароитлар яратилган. Дарслар видеоолиқлар, мультимедиялар орқали олиб борилади. 35 дан ортиқ турли хил фан, бадий ижодий, спорт тўғрисидаги ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилмоқда. Ўқувчилар уч йил давомида ягона формада — ёғни ва кишилик жараёнида ота-оналар ва ёшларнинг бевосита ўзлари билан коллеж тарбия-интизом ҳақида тушунириш, маълумот берилгани боис бу тўғрисида ҳеч қандай муаммо, тартиб бузиш ҳоллари кузатилмади. (Фикримизча бошқа ўқув масканларида ҳам ихтисосликдан келиб чиққан ҳолда ягона форма жорий қилинса фойдаланган ҳол бўлмайдими). Қизларимиз уч йил мобайнида урф-одат, миллий маданиятимизга хос бўлган бағри-наҳия, одобиёт ҳақида мезонлардан ҳам билим, таълим-тарбия олинган. Сабр-тоқат, иродаларини силановдан ўтказадилар, бир сўз билан айтиладиган бўлса биз қизларимизни ҳаётнинг пасту баландига тайёр қилиб тарбиялаймиз.

— Коллежда спорт билан шуғулланиш учун ҳам имкониятлар берилади. — Коллеж имомиди барча шаро-

БИР ТУМАН ЯНГИЛИКЛАРИ

Маълумки, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни каттадир. Ҳаракат ташкил топган дастлабки кунлардан бошлаб, келажак яратувчилари бўлган ёш авлодни миллий мафкура ва кадриятлар руҳида, соғлом ва баркамол қилиб камол топтиришга катта эътибор бериб келмоқда. Ушбу лойиҳани Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг фаол талабаларидан тuzилган “Чаққонлар” гуруҳи амалга оширмоқда. Бунда машиналарда спорт анжумани маҳалларга етказилди, жойларда ҳозирда 6 та йўналиш ва спорт тури — “Кувноқ стартлар”, мини-футбол, баскетбол, волейбол, балминтон, шахмат-шашка бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Шу кунгача қизқарилган мусобақалар тумандаги “Мустақиллик”, “Олмазор” ҳамда “Чинор” маҳалларидида бўлиб ўтди. “Чаққонлар” гуруҳининг хайрли тадбирлари бошқа маҳалларда ҳам ташкил этилади. (Ўз муҳбиримиз)

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларини ҳаётга татиб қилиш, ёшлар ўртасида турли йўналишдаги маърифий дастурларни амалга ошириш, уларнинг ижтимоий аҳамиятга эга турли ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, ёшлар сўбатини амалга оширишда иштирок этувчи жамоат ташкилотларини доирасини кенгайтириш, шунингдек, ёшларни ўз муаммоларини ўзлари ҳал қилишларига жалб этиш мақсадида “Камолот” ҳаракатининг грантлари таъсис этилган эди. Утган вақтдаги махсус грант комиссиясига турли йўналишлар бўйича жами 115 та лойиҳа топширилди. Комиссия ва экспертлар томонидан ташаббускор ва интилувчан йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш борасидаги ҳаракат тизими бўйича 6 та, нодавлат нотижорат ташкилотлари орасида 5 та лойиҳа ғолиб деб топилди, мўлажаштиришга тавсия этилди. Улар орасида турли вилоятлар туманлари “Камолот” бўлиmlари, ҳар хил марказлар, хусусан “Нафосат” аёллар ва ўсмир ёшлар ўқув-амалий маркази, Бизнесни ривожлантириш институти, Тошкент шаҳар Талабалар ҳамкорлиги ва тадбиркорлиги концерни баринини таъкидлаб ўтиш жоиз. “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати маркази кенгашида тегишли вазирлик ва ташкилотлар, жамоат тuzимлари иштирокида грант соҳиб бўлган лойиҳалар тақдимоти бўлиб ўтди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, грант соҳиб бўлган лойиҳалар ёшларни замонавий технологиялар асрига мустақил фикрлар билан дадил кириб келишида турли ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнатга мослашишга кўмак бериш, мухтастар қилиб айтганда ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ўзига хос йўллар орқали ҳал этишга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир. Ёш муамми, таниловда ғолиб чиққан лойиҳаларнинг ҳар бирига 5 миллион сўмдан 20 миллион сўмгача бўлган маблағ ажратилиб, маъмур грантлар шубҳасиз, ёшларни янги иш жойлари билан таъминмўлажаштиришга тавсия этилди. Улар орасида турли вилоятлар туманлари “Камолот” бўлиmlари, ҳар хил марказлар, хусусан “Нафосат” аёллар ва ўсмир ёшлар ўқув-амалий маркази, Бизнесни

Шарқ дурдоналари



● Эй азиз, билгилки, одам-зот дунёда кўлида бориға қаноат қилиши лозим. Шундагина у одамларға таъма қўлини чўзмайди. Кимки керагидан ортиқча нарса қидириш пайида бўлса меҳнатлар домига тушади. Бесабрлик ва таъмо олови уни хорлик қўчасига иргитиб ташлайди, одамларнинг назаридан чет-да қолади. Натигада ундай киши надомат тўрига ва маломат ўқиға дучор бўлади. Билгилки, таъма барча балоларни келтирувчи ва жумлаи офатларни кўзгатувчидир.

● Ҳасадчи киши одамларнинг шод ва хушхоллигидан доимо ғам чекади ва алам тортади. Ҳа, дунёда Ҳасад ва бахилликдан кўра ёмонроқ дарду алам йўқ! Шундай экан сен бундай кишилардан узоқ юр, уларнинг суҳбатидан қоч!

Назм:
Дармон қабул қилмас иллатдир Ҳасад, Ҳасадчининг доим Ғамидир беҳад!

● Кишининг ўз нафсидан қочиши йирткич шердан қочгандан фойдала.

● Унутмагинки, таъмаси кўп кишининг инсофи оз бўлади.

Таъмагир ўзи учун келаётган ҳалокатни ўзи билмайди. Пастхак одам бирор кимсани ҳар қандай кўрқанидан севади ёки таъмагирликдан.

● Ҳикмат. Қаноат меваси роҳат, камтарлик меваси муҳаббат.

Байт:
Қаноат айлагин, эй хушёр киши, Қаноат роҳатдан беради нишон!

● Айтишларича бир оқил йигит ҳақида қўйидагича ҳикоя қилишар экан. У дўстлари билан ҳамisha улфат, улар билан доимо ҳам-даму ҳамсуҳбат экан. Йигит ўз дўстларидан меҳрибонлигини ҳеч вақт дариг тутмас, қўлидан келганича яхшилик қилар эди. Тилидан эса қўйидаги шеърни тараннум қилгани килган экан:

Бугун кўлда бор экан йигитликнинг даврони, Файрат қил, огримасин сандан ҳеч кимнинг жони!

Яхшиликнинг баҳори доим бир хил турмайди,

Бир кун нуқсон етару пайдо бўлар ҳазони!

Унинг хулқи ва одоби туфайли барча киши унинг хузурда бандалик қамарини боғлаб, хизматида ҳозир нузир экан.

● Фаридуддиндан сўрадилар:

— Одамларни ўзингдан узоқлаштирмасликнинг чораси нима?

У деди:

— Чидам ва мулойимлик!

Яна ундан сўрадилар:

— Мушкул нарсаларни қандай хал қилса бўлади?

У яна:

— Чидам ва мулойимлик билан, — деб жавоб берди.

● Дўстларга ҳеч қачон озор берилмайди. Душманлар билан муомала қилинганда эса ақл ва инсоф чеғарасидан чиқмаслик керак.

Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.

Қозончи баҳодир сувда наҳақ балдикдек сўзиб борётган отнинг бироздан кейин, қидида суворий, битта-битта юриб нариги ўқ етмас қирғоққа чиқаётганини кўриб турар, танасига нумонисий каттароқ боши хиёл олдинга эгилган эди...

VIII

Зиндачашм опардийнинг машъум воқеаси бутун Самарқандда шов-шув бўлиб кетди. Махалла-қўларда хийла вақтгача одамлар хаёлини банд қилган янгилик вазифасини ўтади. Ҳамма бозорға киришда ҳам, чиқишда ҳам кўркинчли тулумга қараб ўтарди. Бозордан нарироқда ўнг кўлда пасткам бир ҳовлида жойлашган таъхона томон борар эканлар, Ахий Жаббор баҳодир бошлиқ йигитлар дарвоза олдида одатдагидек бир тўп одам ўй-малашиб турганини кўрдилар. У ерда чоллар, кампирлар, толиби илмлар, турли бозорчиларни учратиш мумкин эди.

“Ажаб қилти!”,
“Бадтар бўлсин!”,
“Бўям кам!...”
“Балога гирифтор бўпти!...”

“Ажалингдан беш кун бурун ўлмай ўл!...”

Одамлар шундай сўзлар билан Шибирғон ҳокимини айблашар, лаънатлашар, айна пайта қарашдан кўрқиниб қарашди.

— Кўрдингми, Йанал... ёмонлики ўзига тилаб олган ноқасни... — деди Ахий Жаббор баҳодир ёнидаги йигитга. — Кимки бировга чоқ қазиса, ўшага ўзи тушади...

— Бу пешонадан... — деди барваста Йаналтекин ўзини донишмандлардай тугиб. — Бадбахтнинг пешонасига шу ёзилган экан-да...

— Тўғри айтасен, пешонада ёзилгани бўлади. Ҳеч ким қисматдан қочиб қутула олмайди. Аммо парвардигор бандасига яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам ёзиб қўйган... — эътироз билдирди Ахий Жаббор баҳодир. — Бир куннинг ярми кундуздан, ярми тундан иборат ахир. Қайси бирисига интилиш эса бандасининг қўлидадир... Зиндачашм опардий фақат ёмонига интилади...

— Қилмишига яраша бўлди, бу ҳам оз эди пир урганга... — сўзга қўшилди Учқора. — Нодон экан-да, отангнинг арвойи. Ўзим Амир Жоку барлос жаноблари қайсар Зиндачашмин олиб келиш учун Шибирғонга борганларида ўша сарфайдим... Кўрганмен, гуноҳимни Амир соҳибқирондан сўраб берингиз, деб роса амилрул умороға ялди, лаънати. Бошига қол ташлаб бўйнига қиличчини осиб Амир Темур ҳазратларига сизиниб келди. Ҳимматни кўрунги, худо қаргагани гуноҳи кеңирилибгина қолмасдан, унга тўй ҳам қилиб бердилар, тўхғаю тансуқотларга қўмиб ташладилар! Ана шундай яхшиликлардан кейин... онаси даладан тоғдан Қаросмонда қазратга ўқ отишни мўлжаллаб ўлтирибди-ку!... Вой, ношукр банд!

— Нима учун бошига қол қийиб, қиличчини бўйнига осиб оладир? — сўради Йаналтекин.

— Шуну ҳам билмайсанму, гушна?... — Учқора шеригига қулиб жавоб қилди. — Бўйнига қилич осиб келгани — агар мени ўлдирмоқчи бўлсангиз, қилич қидириб юрманг, мана қилич, олингу бошимни кесинг, деганидир. Бошига қол қийиб олгани — менга қафан излаб юрманг, қафана арзимаймен, шу қопга солингу қўмиб ташланг, дегани бўлади...

— Оҳ, оҳ!... — хайратга тушиб деди самимий Йаналтекин. — Жуда чукур маъно бор экан-а!

— Ҳазир бўл, ўзингни ҳам бошингга қол тушиб қолмасин, дастингдан кетай!

— Гапинг ўзингдан бери келмасин, гушна бўлмай ўл! — астойдил хафа бўлди Йаналтекин. — Нафасингни сал иссиқ қил-е!

— Ҳа, ҳа... Бунда теран маъно бор, йигитлар! — тасдиқлади Ахий Жаббор баҳодир. — Ҳеч кимнинг бошига бундай кун тушмасин!

— Агар бошимга шундай кун тушса, ўзимни бир нарса қўб қўяман! — чиранди Учқора... Кейин ўзининг яхши кўрган қўшигини хирғойи қилишга турди:

Ер тўймайди ёмгирга,
Хотин эрга... тўймайди...
Ғалогувур ичида Ахий Жаббор баҳодирлар энди жилмоқчи эдилар, хийла узоқда бозорға келишётган Шайх Нуриддин баҳодир билан Амир Шоҳмаликларнинг қоралари кўринди. Улар ўзларини атрофларида ҳеч ким йўқдек бир афзолда тутганларича, бамайхотир юриб келардилар. Шайх Нуриддин баҳодирга ҳумон ўрдудан бозорлар муҳасиллигини¹⁵ бошқариш вазифаси топширилганди. Чамаси, бозорни айланиб ўз кўзлари билан кўриб нарх-

навоми назорат қилишга келишмакда. Жаҳонгир Мирзо ўнбошисининг кўп йигинларда кузатишига кўра, бу шахт шиддати банд магмур амирлар салтанатда яхшигина нуфузга эга эдилар. Бироқ кўпична бирга юрсалар ҳам, бир-бирига дўстдай туулсалар ҳам, улар аслида бошқа-бошқа одамлар эканликларини Ахий Жаббор баҳодир ич-ичидан сезарди.

Шайх Нуриддин баҳодир жуссалиқина, ўрта бўйли, юмалоқ юзли, сийрак қошли, бурни хиёл яссидан келган, қисқ сўзлари ҳамisha чакнаб турадиган жасур ва сержайрат йигит бўлиб, бетакаллул қулганда ингичка овози ҳамма-ниқини босиб кетарди. Кийган чопони қорнида учма-уч турар, қадамни катта ташлаб юрса ҳам кўполлиги билинмас, янганда чап ёнидаги қиличи, эмин-эркин боғланганиданми, қадам билан бирга бориб келарди.

Ахий Жаббор баҳодир унинг отасини яхши биларди. Амир Сорибуға жалоийр гоҳ соҳибқирон ёнида, гоҳ эса унга қарши душманлар сафидо от суришлари, танг вазиятларда ташлаб кетаверишлари билан машхур эди. Умуман, жалоийрлар салтанатда беқарорликла-

Ўзбек адаблари — “Оқшом” учун

Мухаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

УМАРШАЙХ МИРЗО

(“УЛУФ САЛТАНАТ” ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ ИККИНЧИ КИТОБИДАН БОБЛАР)

ри билан ном чиқаргандилар. Ҳўжанд ҳокими Амир Боязид жалоийр, Баҳром жалоийр, Одилшоҳ жалоийр, Амир Сорибуға жалоийр... эҳ-хе, улар кўп, — барчасининг ҳам хиёнаткорликлари борасида талай мисоллар келтириш мумкин...

Амир соҳибқироннинг кеңиримлиги, кең-фёғлиги, меҳру муруввати хато қилган, адашган кишилар тақдор сизиниб келсалар асло кўрақларидан нари иттиришга йўл бермасди, душмани ҳам дўстга айлантириш йўлида ўз ниятларидан қайтмасди. Ахий Жаббор баҳодир фикрича. Шайх Нуриддин баҳодир ана шундай дўстга айланган душманлардан бири... У ясси буртини жийриб тикилганда, кўзлариди: “Ҳўш, сиз дўстимсиз, душманмисиз?... Кўнглингизда нима бор? Ҳаммасини кўриб турибмен!...” деган маъно яширингандай эди. Амир Сорибуға жалоийр ўғли отасининг тутумларидан хабардорлиги боис, ҳамisha ўзини Амир Темурга фидойи қилиб қўрсатишга иштиёқмандлигини бўрттиришга уринар эди. Бунга Ахий Жаббор баҳодир аниқ билади.

Амирлар ўртасида вақти келса ҳеч нарсадан ҳазар қилмайдиган Шайх Нуриддин баҳодир ҳақида ҳар хил нақллар юрарди. Жетага юриш чоғида ўлжага тушган гўзал мўғул қизларидан бирини ёқтириб қолиб, руҳининг пойдорлиги путурдан кетиб, дарҳол бутанинг ортига олиб ўтибди-ю нафсини қондиришга киришибди... Шу палла қайдангир қилиб қолган мўғул навқари унга ташланбди. Баҳодир чап қўлини гўзал қизнинг қўймичидан олмай ўнг қўлида қилич тутганча, ҳалиги навқар билан саваша бошлабди. Икки томонлама жанг авжга чиқибди... Соҳибқирон аскарлари бундан хабар топиб етиб келибдилар ва бир лаҳзада ҳалиги мўғулни орқасидан қилич уриб ўлдирдилар. Жазавага тушиб қолган Шайх Нуриддин баҳодир атрофдагилардан изо тортай ишини давом эттирар эмиш...

Машхур бўлиб кетган бу воқеа кўп ҳазил-мутойибаларга сабаб бўларди. Айримлар, нуфузли амирлардан бирининг бунчалар фосқилигидан иргайиб гапирардилар, бошқалар бунга жасоратга, ботирликка йўярдилар. Орқаваротдан шу ҳақда сўз чикканини эшитиб қолса, баҳодир гап эгасини албатта топиб орани очик қилишга тиришгани-тиришган эди.

Амир Шоҳмалик эса Ахий Жаббор баҳодирга нимаси биландир ёқди, нимаси биландир хушбичим, ҳамisha ораста кийиниб юрадиган Амир Сайфидин некузга ўхшаб ҳам кетди. Уртачадан баландроқ бўйли, хуш тавозеъ, андишали, жасур, чаққон ва абжир бу йигит, доим одоб доирасида муомала қиладди. Сиртдан қараганда нозикроқ, аммо аслида чайир, хушёр, ёш бўлишига қарамай қузи пишган дейиш жўйиб. Овозини кўтариб гапирмайди. Қорамтир юзлари чўзинчоқдан келган, бурни сал каттароқ бўлса ҳам ўзига ярашиб туради. Кўзлари катта-катта, қошлари қуюқлигидан қовоқлари қарийб йўқолиб кетгандай туолади...

Ахий Жаббор баҳодир улар билан саломлашмоқча чоғланди. Лекин шу палла бозор ичидан чиқиб келган бир тўп одамларнинг шовкин-сурони унинг хаёлини бўлди-ю ўша

томонга қаради. Олдинда ўн икки ёшлар чамасида бир бола кўйлаги белгича тушириб қўйилган ҳолда келар, ёнида эрқасабзига ўхшаган, мангўлаги тиришларга тўла бир одам қўлидаги хипчин билан гоҳ-гоҳда шўрликнинг елкасини савалаб кўяр, ора-орада: “Ҳали яна ёйсан!...” дер, боланинг эса кўзларидан ёшлар оқарди. Уларга эргашган ўн бешга яқин беқорчиҳўжалар ўзларини гўёки ҳеч нарса юз бермаётгандай тутишар, ҳеч ким болани ажратиб олиш ёки ҳалиги эрқасабзига ўхшаган одамнинг таъзирини бериб қўйиш ҳақида қайғурмасди... Фақат текин томошадан завқланишгандай, ҳар хипчин тушганда, “Ҳа!”, “Ҳа!...” деб кўйишар эди холос.

Ахий Жаббор баҳодир бироз ханг-манг бўлиб турди. “Нега ёш болани уради?...”, “Ҳеч кими йўқ болани нега уради?...”, деди ўзига ўзи! Болалигида Марғинонда бир бойнинг уйида қаролик қилиб юрганида худди шундоқ ноҳақдан калтак егани эсига тушди. Ушанда уни ҳам хипчин билан савалашган, уни ҳам ҳеч ким ҳимоя қилмаганди... Болога тушаётган хипчиндан унинг елкаси ачишаётгандай бўлиб кетди. Ахий Жаббор баҳодир нарироқда келаётган амирларни ҳам, улар билан кўришиб зарурлигини ҳам унутди.

— Тўхтангиз!.. Бу қандай гап? Еш болани урасиз?... — жаҳл билан деди Ахий Жаббор баҳодир, изма-из Учқора, Йаналтекинлар ҳалиги одамга яқинлаша бошладилар. — Хипчинни бу ёққа берингиз! Синдириб ташлай, қани!..

Инсоф борми ўзи?
— Еш болани топганини қаранг! Уришсанг биз билан уриш, дастингдан кетай! — яниб деди Учқора.

— Уялмаганини! Вой, отангни арвойи!... — қўшилди Йаналтекин.

Атрофда одамлар шовқини тинмасди. Ҳалиги одам дағдаға билан келаётган Ахий Жаббор баҳодирни асилзодалардан деб ўйлади-ю хайрон бўлиб тўхтади.

— Ҳовликмасинлар, бек... Бекорга калтак емаётир бу... Бекорга эмас... — тушунтиришга ҳаракат қилиб деди у...

— Нима, ўғирлик қилибдими?.. Бозордан бирон нарса ўғирлабдими? Тўтиб олдингизми?.. Уни урасиз...

— Йўк... Унақа эмас... Мен сизга тушунтирай, бек... Бизлар читгарлармиз...

— Читгарлар?... — Ҳа, читгарлармиз...

— Ҳўш... Читгар бўлсангиз нима?... Эрқасабзига ўхшаган одам босиб деди:

— Бизлар читгарлармиз. Дастгоҳимиз Чокардиэа мазорига етмасдан берироқда чапдаги маҳаллада жойлашган. Узимнинг расму русумимиз, қоидамиз бор. Ота-боболардан қолган-да... Касб низомида тўғри йўриқлар кўрсатиб қўйилган. Ҳалол бўлиш, инсоф билан ишлаш лозим... Дастгоҳнинг олдида, бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм, деб таҳорат қилиб бормак керак... Гирромлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўк... Бу бола шогирдим, билсангиз... У низоми буюиб қўйди, юзминни ерга қаратди. Тандалчилар олдида уялиб қолдим... Чит тўқибети тандасига тоза ил ўрнига билдирмай қаноп араслаштириб юборибди. Арқоғига сифати паст ипдан қўшибди. Бу харидор ҳақиға ёйнан-да... Читгарлар шайнига инсонд... Ҳеч муоман эмас. Унда егани ҳаром бўлади...

Ахий Жаббор баҳодир хайрон бўлиб қараб турарди.

— ... Шундай гуноҳ қилганлар бозор кунни елкаси яланғочлаиб хипчин билан саваланган ҳолда бозор ичидан олиб ўтилади... Токи унга сабоқ бўлсин, ҳамма кўрсин... Одати-миз шунча. Биз ор учун қурашамиз... Бундан кейин бунақа иш қилмайди...

— Шунчаки... — деди Ахий Жаббор баҳодир тарвузи кўлтигидан тушиб, дам елкалар кавариб кетган болога, дам хотиржам устага қарар экан.

Ҳалиги одам: “Яна ёйсан!...” деди-да, шогирдиға навбатдаги хипчинни урди ва текин томоша ишқибозларини эргаштириб Шайх Нуриддин баҳодир билан Амир Шоҳмаликлар келаётган томонга қараб йўлида давом этди...

Нохуш воқеадан кейин Ахий Жаббор баҳодирнинг негадир амирлар билан кўришгиси келмай қолди ва Учқорага буйроқ оҳангиде деди:

— Тез таъхонага кетдик!... Тез!..

— Устаникига! — деди Йаналтекин.

— Таъхонага, дастингдан кетай, таъхонага!.. — озгининг таноби қочиб сўзланди Учқора...

Улар бозор ичига ўзларини урдилар.

Давоми келгуси сонда.

15 Мухассил — солиқ йиғувчи, ундирувчи.

Ошма даврасида

суҳбатлар

Муручи

горраҳаларида

ҲИММАТ

— Ука, ҳар кимнинг ҳаётида хотирага муҳрланадиган, эсда қоларли воқеалар бўлиб туради, — деди бир куни қўшним Халил ака, — 1996 йил эди. Уша пайтлар энди ўзимизнинг «Нексия» автомашинамиз оммалашаётган эди. Бир куни машинада бозорга бордим. Бозорда одам кўп, тикилиш. Машиналарнинг кўплигини айтмайсизми? Керакли нарса ни харид қилиб машинага ўтирдим. Бурилиш жойдан машинани бураётган эдим қарасам қарама-қарши томондан «Камаз» келаяпти. Зудлик билан рулни буриб газ бердим, машина сапчиб кетди. Зарб билан йўл ёқасида турган янги «Нексия»нинг қоқ ўртасидан урдим. Айбимни тан оламан, мендан хатоллик ўтди. Бир зумда одамлар йиғилди. Менинг ичимга кўрқув тушган, дир-дир қалтирар эдим. «Машинанинг эгаси ким?» дедим. Хеч ким ўртага чиқмади. Шу пайт кимдир «Унинг эгаси хув анави чевархонада ўтирибди. Оқ соқоли амаки» — деди. Чевархонага кириб бордим. Ёши 60 дан ошган, оқ соқоли, юзларидан нур ёғилиб турган киши курсида ўтириб, ким биландир суҳбатлашар эди. Рухсат сўраб бориб кўришдим.

— Йўлда турган машина сизникими? — деб сўрадим.

— Ҳа, меники, — деб жавоб берди у.

— Машинангизни сал туртиб юбордим. Бориб кўрайлик, янги машина овер десангиз, тузатиб бераман, — дедим дир-дир титраб.

— Оббо ўғлим — ей. Шунга шунчами, — жилмайди амаки, бўлар иш бўлибди. Сиз ҳеч хижолат тортмай кетаверинг. Ўзим тузатиб оламан. Бизда темирга товон олинмайди.

— Ҳайрат аралаш ишонқирамай унга қарадим.

— Ўғлим, мен рост айтмаётман, — деди амаки. — Сиз хижолат тортмай кетаверинг.

— Хўп, — дея ташқарига йўналдим. Амаки мен ёнидан узоклашишим билан ҳалиги киши билан суҳбатини яна давом эттирди. Ташқарида чиқиб қолар, деб бироз кутдим.

Чикмади. Нима бўлибди экан деб машинасига бир қараб ҳам қўймади, панжарадан секин қарадим. У суҳбатдоши билан бемалол чаклашиб ўтирар эди. Унинг ёнига қайта боришга юрагим дов бермас эди. Минг бир хайронлик ичра изимга қайтдим. Шундан кейин ўша кишини учратаман деб бир неча марта ўша чевархонага бордим. Бирок топа олмадим. Нима бўлса ҳам товони қиёматга қолмаган бўлсин ишқилиб.

Рустам ЗОИР

ОНАМНИНГ ҲИКОЯСИ

Халқимизда «Кексалар — хонадонимиз зийнати» дейилганидек, волидаи муҳтарамамиз Тўхтаҳон хожия Пулатова (охиратлари обод бўлсин) нуруний чехрали, дуоғўй, меҳридарё доно, ибратли суҳбатдош, оқила, зиёли умуман ҳар қанча фахрланса арзигулик ўзбек аёлларидан эдилар. «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли», деганларидек, раҳматли онамнинг Абдулла Қодирий ҳақидаги хотиралари тез-тез ёдимга келади.

Ўшанда 1937 йилнинг май ойи охирилари эди, эсладилар онажоним. Биз уч дугона — мен, Зухра Нозимова, Манзура Абдумаликовалар педагогика билим юртида ўқирдик. Ичимизда каттамуз Зухра опа эдилар. Бир куни дарс тайёрлагани уларникига бормоқчи бўлдик. Зухра онамникига кириб борганимизда қўшни ҳовлига кўзим тушди. (Ўртада девор йўқ эди). У ерда қора қош, қора кўз, ингичка мўйловли ўрта яшар бир киши эпчиллик билан беда ўрарди.

— Абдулла ака Қодирий шу киши бўладилар, — деб имо қилди Зухра опа. Манзура икковимиз хайратдан қотиб қолдик. «Ўтган кунлар»дек маш-

хур романни ёзган кишини мен бошқача тасаввур қилган эдим. Дарс тайёрлаб ўтирсак қўшининг кизи келиб Зухра опага бир нималарни айтиб, чиқиб кетди.

— Абдулла ака бизларни меҳмонга қақираётган эканлар — деди Зухра опа.

— Биз ёш қизлар бўлсак, қанақасига Абдулла акага, меҳмон бўлайлик, — дедик хижолат чекиб.

— Абдулла ака, меҳмоннинг катта-кичиги бўлмайди, қўшининг уйига келган меҳмон бизнинг ҳам меҳмон дептилар. Юринглар, бормасак хафа бўладилар.

Уялиб кириб бордик ва атоқли ёзувчилар, шоирлар суҳбат



қурган шахри азим Тошкентда маълуму машҳур, салобатли ва файзли шийпончага таклиф этилиб, халқимиз эъзозлаган аллома адибнинг волидаи муҳтарамалари (охиратлари обод бўлсин), умр йўлдоши, фарзандлари даврасида тўкин дастурхон атрофида азиз меҳмон бўлдик. Дастурхон атрофидагилар асосан аёллар, қизлар бўлгани боис, суҳбатимиз самимий кечди. Овқатлини бўлгач, раҳмат айтиб ўрнимиздан турдик. Эшик олдида Абдулла акага дуч келдик.

— Келганларингиз учун раҳмат, яна келиб туринглар, — деб кузатиб қолдилар. Уйлаб қоламан, Абдулла ака бизнинг кимлигимизни ҳам билмайди. Бирок қадрдонлардек ардоқлади. Сабаби қўшни ховлининг меҳмони эканлигимиз эди.

Хозирчи? Нимагадир кўпчи-

лик обрў-этиборга, амал қурсисига, бойлигига қараб саломалик қилади. Авваллари бир кишининг уйига меҳмон келса, беш-олти қўшниси чиқиб, ярим кечагача гурунг бўларди. Хозирчи? Ҳаттоки, икки ён қўшни ойлаб бир-бирларини кўрмайдиган пайтлар ҳам бўлиб туради.

Ахир бағри кенглик, дилкашлик, меҳмондўстлик каби фазилатлар ўзбек халқига хос эдику. Мен одамларга қарата, ота-боболаримиз анъанасини давом эттирайлик, дўстлик, ўзаро ёрдам ришталарини ҳеч қачон ўзмайлик, дегим келади, — деб айтган эдилар.

Қиссадан хисса шуки, аввало ўтганларни эслаш хайрли амаллардан бўлса, эшитган хижоимнинг тарбиявий жиҳати хозирда ҳам аҳамиятини йўқотмаган деб ўйлайман.

Улуғбек ПУЛАТОВ

Болада жуда ёшлигидан таркиб топаётган нарса ва воқеаларга бўлган муносабат, қизиқич, интилиш унинг ақлий фаолиятининг тараққий этишидан далолат беради. Ота-она боладаги бу хислатларни шакллантириши, тарбиялаб бориши учун унга қизиқич нарсалари ҳақида эринмай сўзлаб бериши, тушунтириши, кузатиб, тақослаб кўришга ўргатиши лозим. Худди шу даврдан бошлаб боланинг ёши жисмоний кучига лойиқ меҳнат малакаларини эгаллаб боришига ундаш унинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний томондан чиниқшига сабаб бўлади.

Бола олдига қўйиладиган талаблар секин-аста мураккаблаштирилиши ва хилма-хил бўлиши ҳам зарур. Боланинг ҳар бир ишга маълум кўникма ҳосил қилинган яна янги-янги иш турлари, топшириқлар билан ошно қилиниши, ишни тез ва сифатли бажаришга ўргатилиши аввало ота-она, тарбиячи, кейинчалик ўқитувчининг ибрат кўрсатишига боғлиқдир. Бола мактабга боргунга қадар ҳар бир ишни ўз ташаббуси билан мустақил бажара олиш малакасини эгаллаган бўлиши зарур. Шундай қилинганда бола мактабдаги қайноқ ҳаёт, жамоа билан муносабат қила билиш, ўқиш, ёзишдек мураккаб ақлий фаолиятни эгаллашга тезда кўникади. Мактабда бериладиган турли топшириқлар унга оғирлик қилмайди. Аксинча, уни жон-дили билан аъло бажаришга тиришади. Вазифаларнинг ўқитувчи томонидан янги баҳоланиши эса боланинг кайфияти тўбора кўтарилишига олиб келади, кучига куч қўшишига, яна янги ишларни бажаришга даъват этади.

Болага катталарнинг ўрнак кўрсатиши, тарбияда катта аҳамиятга эга, қайси ота-она ғайратли, меҳнатсевар бўлса, шу оилада тарбия олган бола албатта ота-онаси каби ғайратли бўлади. Афсуски, айрим ҳолларда болаларга нисбатан ўта меҳрибон бўлиб, унга мутлақо иш ўргатайдилар. Болам нимжон, ҳали ёш деб унга иш ўргатиш у ёқда турсин, боланинг ўз ташаббуси билан қилаётган ишини ҳам таъкиб этадилар. Болада таркиб топаётган меҳнатга ҳавас, иштиёқни сўндириб қўядилар.

Тўққининг қоғоз қийиб, чўп уйнаб, ракета ясаётгани бувисига ҳеч ёқмайди.

— Қўясанми, йўқми бу ишининг, ўйни ифлос қилишдан бўлак ишининг йўқми сени, — деб жерқийди у. Бувисидан яна танбех эшитишдан қўрқиб, ишини ноилжо йиғиштириб қўя қолади бола.

Баъзи ота-оналар, ўқитувчи ва тарбиячилар кўп ҳолларда болаларнинг дангасалигидан шикоят

қиладилар. Ҳар бир инсон орасидан дангаса бўлиб тугилмайди, балки у ўсган муҳит: ота-она ёки тарбиячилар боланинг ё эпчил, меҳнатсевар, ғайратли ёки бўлмаса ялқов, ишбёмас бўлиб ўсишларига сабабчи бўлади. Дангасаликнинг ҳатто олди тусига айлиниб кетишига ҳам қўрабила туриб йўл қўядилар. Айрим ҳолларда ота-оналар болага нисбатан ўта талабчан бўладилар. Унинг ёшига номуносиб ишларни бажаришга даъват этадилар. Натижада бу бола толиқади, меҳнатдан қўнги қолади, безиб кетади.

Ҳар бир ишининг ўз меъёри бўлиши билан бағишлайдиган завқ-шавқи ҳам бўлиши керак. Бола идиш-товонки ювиб, артиб жой-жойига қўйиб билан чекланмай, уни чиройли қилиб териб қўйишга ўрганса, гулларнинг тагини юмшатиш билан чек-

- ланмай, гулзор
- четларини чим,
- панжара, тошлар
- билан безаса эса
- ўз меҳнатининг
- гўзаллигидан
- завқланиш ҳисси
- уйғонади. Бундай
- тадбир болани фа-
- росат билан иш
- тутишга ундайди.
- Катталар бола-
- нинг ёши, кучи,

ақли ва қобилиятига яраша ишларни бажара олиши мумкин эканини унутмасликлар лозим. Аксинча боланинг уринишлари зое кетади. Масалан, Рустамнинг неча кун овора бўлиб ясаган варраги ҳавода учмади. Дилбарнинг қўғирчоққа тиккан қўйлагини сизмади, зўр ҳавас билан чизган олма расми ўхшамади. Боланинг бу пайтларда меҳнатнинг самарасиз бўлганидан руҳи тушади. Ясаган, чизган нарсаларини атрофдагилардан беркитишга уринади. Буни сезган катталар боланинг озгина бўлса ҳам муваффақиятини қайд этиб кўнглини кўтариши, зинҳор кулмаслиги, таъна қилмаслиги жоиз. Ана шунда бола катталарни ўзига яқин тутайди.

Боланинг ақлий фаолиятини ўстирувчи, ижодий қобилиятини кенгайтирувчи, ўткир зехн эгаси қилиб тарбияладиган воситалар бизда маъжуд. Булар турли ўйинчоқлар, болалар бадиий адабиётлари, спорт ашёлари каби нарсалардир. Шундай экан, болани замон талабига мос қилиб, мактаб томонидан қўйиладиган ҳар қандай талабни изчиллик билан амалга ошира оладиган қилди, ҳозиржавоб, меҳнатсевар қилиб тарбиялашимиз зарур. Токи фарзандларимиз ичида биронтаси ҳам ялқов бўлмасин. Ялқовликни одатга айлантирувчи сабабларни йўқ қилиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ситорахон РАҲИМБЕКОВА, ўқитувчи.

Қаҳра

БОЛАЖОНИМ, ДУНЁДАГИ БОР ҚУВОНЧИМ

Болажоним! Ҳаётимнинг нури маскани. Умримнинг файзли зиёси, кунларимнинг, дақиқаю онларимнинг энг ойдими, мунаввараси. Сенинг билан олам гўзал, хаёллар ёрқин, ширингина кулгин билан, шўху шодон қийқириғу жаранлаган овозинг билан, баъзан эса аразлаган ва чўччайган лабларинг билан хушнуд этиб юборасан жону-жаҳоним. Ташвишлардан толганда, ғамдан адо бўлганда, қўнғиллар дарз кетганда сен бир овунчсан болам. Юрак шодликка тўлса, диллар тантана қилса, омад бўш келса сен бир сабабсан болам.

Суюнганим, суюқлигим ўзинг. Кулгуларинг дилга ором, қалбимга малҳум, кўз ёшларинг менинг учун муқаддас. Болалигинг подшолигинг беғубор ўтсин. Порлаб турсин ул беозор қизлар сенинг. Қадамизда гуллар унсин, нур ёғилсин йўлларингга, фаришталар қўшиқ айтиб, аллаласин тушларингга.

Бетоб бўлма, беҳаловат озор чекиб озорланма, жажжигина қалбинг сира ўқсимасин. Уйнайдиган, қувнайидиган давринг сенинг. Яйра болам ҳаётимсан, борлигимсан борим болам. Дунёдаги бор қувончим, жоним болам.

Гулнор САТТОРОВА

Спорт

**ОЛИМПИА
ҲАЙИЛАРИ
МЕЗБОНИ
АНИҚЛАНДИ**

Кеча Сингапурда халқаро Олимпия Кўмитасининг 117-сессияси ўтказилди.

Мазкур сессия кун тартибига жуда муҳим масала қўйилган бўлиб, ХОҚ аъзолари 2012 йили бўлиб ўтадиган XXX эъги Олимпиадани қабул қилувчи шаҳарни аниқладилар.

Сессияда олимпиадани қабул қилишга номзод қўйилган Париж, Москва, Мадрид, Лондон ва Нью-Йорк шаҳарларининг мэрлари, олимпия ҳаракатлари мутасаддилари иштирок этиб, мутасаддилар эътиборига ўз шаҳарлари ушбу улкан спорт мусобақаларига қанчалик тайёр эканлиги, уни муносиб ўтказиш учун қандай ўзига хос ишлар амалга оширилишини ҳавола этдилар.

Белгиланган тартибга кўра, яширин овоз бериш натижасида энг кам овоз тўплаган шаҳарлар номзодлари "ўйин"дан бирин-кетин чиқиб кетди.

Шундай қилиб, охириги турда Париж ва Лондон шаҳарлари ғолибни аниқлаш учун ўзаро беллашди. Кескин баҳада рақибдан тўртта ортик, яъни 54 та овоз олган Лондон шаҳрининг қўли баланд келди ва у Халқаро Олимпия Кўмитасининг президенти Жак Рогге томонидан 2012 йилги Олимпиада ўйинларининг меҳмони сифатида тантанали равишда эълон қилинди.

Ушбу шаҳарда 1924 ва 1948 йилларда ҳам Олимпиада ўйинлари ўтказилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

(Ўз мухбиримиз)

Шайхонтохур тумани ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими жамоаси «Ибн Сино» маданият ва спорт марказининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика халқ таълими аълочилиси А.Т.Азизовга уқаси

Аҳмадjon Тешабоевич АЗИЗОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг очик қим ошди савдоси ўтказилади.

2005 йил 20 июль кунини куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдолари ўтказилади:

1. "Газ-53" автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 57-20 ТНМ, бошланғич нархи 199 430 сўм, техник носоз;
2. "Газ-3306" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 47-33 ТНП, бошланғич нархи 1 212 741 сўм, техник носоз;
3. "Луаз-969М" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 620, бошланғич нархи 674 819 сўм, техник носоз;
4. "Газ-2411" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АО 276, бошланғич нархи 1 033 967 сўм, техник носоз;
5. "Кавз-685" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 486, бошланғич нархи 2 266 608 сўм, техник носоз;
6. "Каз-60882" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 144, бошланғич нархи 3 960 184 сўм, техник носоз;
7. "Зил-ММЗ-45021" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 142, бошланғич нархи 2 588 053 сўм, техник носоз;
8. "Газ-5204" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 337, бошланғич нархи 2 055 908 сўм, техник носоз;
9. "Дэу-Рейсер" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 710, бошланғич нархи 3 129 424 сўм, техник носоз;
10. "Дэу-Рейсер" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АВ 638, бошланғич нархи 3 145 029 сўм, техник носоз;
11. Москвич-2140 автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 56-71 ТША, бошланғич нархи 363 068 сўм, техник носоз;
12. "Зил-431412" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10-16 ТШС, бошланғич нархи 2 351 676 сўм, техник носоз;
13. "Газ-53" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30-99 ТШС, бошланғич нархи 1 627 450 сўм, техник носоз;
14. "КАВЗ 3270" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, дав-

- лат рақам белгиси 10 АГ 598, бошланғич нархи 1 906 569 сўм, техник носоз;
15. "ЛАЗ-695" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АГ 686, бошланғич нархи 3 106 862 сўм, техник носоз;
16. "ЗИЛ 130 Б" автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АГ 596, бошланғич нархи 2 704 230 сўм, техник носоз;
17. "КАМАЗ 5320" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АГ 607, бошланғич нархи 3 067 000 сўм, техник носоз;
18. "ЗИЛ 130 ПМ" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АГ 603, бошланғич нархи 1 613 000 сўм, техник носоз;
19. "М-412 ИЭ" автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 Ф 81-41, бошланғич нархи 512 000 сўм, техник носоз;
20. "Ауди А8" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси А 864 SFM, бошланғич нархи 9 000 000 сўм, техник носоз;
21. "Тико" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 V 5491, бошланғич нархи 1 093 020 сўм, техник носоз;
22. "ВАЗ 2106" автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Т 08-96, бошланғич нархи 240 000 сўм;
23. "Татра-815" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 15 741 158 сўм, техник носоз;

2005 йил 9 август кунини куйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдолари ўтказилади:

1. "Ваз-2101" автомобили, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 Е 48-22, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
2. "Ваз-21053" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АИ 662, бошланғич нархи 236 637 сўм, техник носоз;
3. «Камаз-5410» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЗ 580, бошланғич нархи 1 160 000 сўм, техник носоз;
4. «Камаз-5320» автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЗ 574, бошланғич нархи 1 088 000 сўм, техник носоз.

Ким ошди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтаилади.

Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй, 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38.

Тошкент шаҳридаги таълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар, тарбиячилар, ота-оналар ва барча фуқаролар диққатига!

Жорий йилнинг 11 июль кунини соат 18.00 дан 20.00 гача Республика халқ таълими вазирлиги ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси раҳбарияти «Очиқ эшиклар кунини» тадбирини ўтказди.

Халқ таълими соҳасига тегишли саволлар ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб 137-08-30, 137-08-29 рақамли телефонлар орқали берилиши мумкин.

Шахсий қабулга келишни истаган фуқаролар мазкур телефонлар орқали олдиндан рўйхатдан ўтишлари лозим.

Қабул Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси биносида 11 июль кунини соат 18.00 дан 20.00 гача ўтказилади.

Манзил: Пушкин кўчаси, 69-уй.

ЎЗБЕК КУРАШИ ЭРОНДА

Ўзбек кураши жаҳонга юз тутмокда. Кураш мусобақаларининг кўплаб мамлакатларда ўтказилиши миллий спортмизмга бўлган қизиқишнинг тобора ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Эрон Ислмо республикаси пойтахти Техрон шаҳрида кураш бўйича анъанавий Пуриё Вали (Пахлавон Махмуд) учинчи халқаро турнири нихосига етди. Ушбу халқаро турнир Техрон шаҳридаги энг мухташам "Афросиёб" спорт мажмуасида ўтказилди. Унда Хитой, Озарбойжон, Арманистон, Покистон, Тожикистон давлатларидан келган спортчилар иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида эронликлар биринчи ўринни эгаллаган бўлсалар, иккинчи ўрин Хитой давлатига, учинчи ўрин Эрон армияси клубига насиб этди.

"Туркистон-пресс"

Мунажжим башорати

КЕЛАЖАК БИЛАН УЧРАШУВЛАР КУНИ

8 ИЮЛЬ, ЖУМА
Бугун воқеа-хадисалар ўқитилмаган йўналиш оладини, келажак билан учрашувлар, истиқболли тақлифлар тушадиган кун. Тўғрироғи, юлдузлар ҳолати шундан далолат беради.

Мунажжим С. Илҳомов мазкур жумани Ахура Mazda кунини деб ҳисоблайди. Унинг гувоҳлик беришича, бугун инсонлардаги ижодий салоҳият бор бўйи билан намоён бўлармиш. Яна бир гуруҳ мунажжимлар бу кунни дадиллик, тавakkалчилик ва фаол ташаббуслар кунини деб таърифлашади. Ҳар қандай ишга ҳеч бир шубҳа қилмай ва иккиланмай кирилиш ҳамда жиддий ёндошиш керак. Иккун қадар кўпроқ ижодий изланишга, ташаббуслар бўлишга, ҳеч кимга ўшамайдиган иш тутишга ҳаракат қилинг. Саховатли ва олжанов бўлинг.

Жанговар кураш санъати, турли спорт беллашувлари билан машғул бўлиш фойдали. Ўз-ўзингизни ҳумолаш мақсадига кучларингизни жамлашингиз ҳам мақсадга мувофиқдир. Кечкурун дўстлар билан учрашиш, кичик зияфатлар уюштириш ва уфатчилик қилиш хайрли бўлади. Булар сизга яхши кайфият бағишлай-

ди. Шунингдек, бугун сочини олдириш ёки уни бўйлаш ҳам омадли ҳисобланади.

Агар кун бўйи сизни қушлар сайраси таъкиб этса — бу аждодлар сизга мададкор бўлишидан нишона. Тасодифан топиб олган ялтироқ буюмингиз омад келтиради. Тўсатдан чироқнинг ўчиб қолиши ёки ёниб турган оловнинг сўниши эса — режаларингиз барбод бўлишига ишора.

Ёрқин ва ёдда қоладиган тушлар хайрли бўлиб, улар эъзуликлардан огоҳлантиради. Тушда чакмок ёки оловни кўриш жуда яхши аломат ҳисобланади.

Бугун ҳам юрак заифлашган ҳолатда бўлиб, уни эҳтиёт қилишингиз талаб этилади.

Кийим-кечаклардан ёрқин ва ранго-ранглир омад келтиради. Қорамтир ва ранги ўчган либослардан воз кечинг.

БУГУН:

-зарурат бўлса — энг муҳим ишларни давом эттириш;

-ҳар қанақанги қарорини мустақил қабул қилиш;

-ўз саводингизни ошириш, билимларингизни такомиллаштириш билан шуғуланганингиз;

-саломатлигингиз йўл қўйса — бир неча соат кўёш остида тобланишингиз тавсия этилади.

Янги ишларни бошлаш, жиддий хатти-ҳаракатлар қилишдан, бадгумонлик ва шубҳалардан ҳаддан зиёд зикна ва тежамкор бўлишдан, қўшинлар ва ҳамкасблар фикрига жуда катта эътибор беришдан сақланинг.



Муассис:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма таъбиқ, офсет усулида босилади.
296 нуқсад босилди. Қўроғ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаменти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақдаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоб акадёмдорлик компанияси босмоқсонси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.